

М.А. Эрхонова,  
тадқиқотчи, ҚХИИТИ

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЎСИМЛИКЛАРИНИ БИОЛОГИК ХИМОЯЛАШДА БИОЛАБОРАТОРИЯЛАР МОДДИЙ ТЕХНИК БАЗАСИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

*В статье изучено сегодняшнее состояние материально-технической базы биологических лабораторий по защите сельскохозяйственных культур. Проведён анализ механизированной системы, влияющей на производительность труда. Приведено состояние обеспеченности основными видами оборудования и другое.*

*This article is to protect agricultural crops biological bio labs examination of the current state of the material-technical base. Labor productivity analysis of the extent of the effect of the mechanical system. The main types of equipment availability status, and others.*

**Калитли сўзлар:** моддий техник база, хусусий тадбиркор, сарф-харажат, кредитлар бериш тизими, биологикалабораторияларнинг молиявий барқарорлиги, рентабеллик даражаси.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик субъекти ўз фаолиятини самарали йўлга қўйиши учун мустақкам моддий техника базасига эга бўлиши зарурдир. Энг керакли технологик ускуна ва жиҳозга эга корхона эса кучли рақобат шароитида яшовчанлик ва мослашувчанлик хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда барқарор фаолият юрита олиши мумкин. Мамлакатимиз аграр секторида хусусий тадбиркор сифатидаги субъектлар жадал ривожланиб борар экан, бозорда ким кўпроқ, арзон ва сифатли товар ишлаб чиқаришга интилишлари кучайиб боради, бу жараёнда уларнинг молиявий ҳолати, моддий техника базаси мустақкам ва энг юқори даражада бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Мустақилликдан кейин аграр соҳани ривожлантиришнинг барча босқичларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаб бориш масаласи энг устувор вазифа сифатида қараб келинмоқда десак мублолаға бўлмайди. Бунга мамлакатимиз Президентининг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида” ги ПҚ-1758 сонли қарори ва ушбу қарорни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июлдаги “2012-2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш чора-иқадбирлари тўғрисида” ги 215-сонли қарори билан тасдиқланган Комплекс тадбирларнинг изчил равишда амалга оширилиб келинаётганлиги яққол далил бўла олади.

Шунингдек, 2013 йилнинг 17 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси якунида қабул қилинган қарорда ҳам иқтисодий дастурнинг энг муҳим олтита устувор йўналишидан бири этиб ”Мамлакатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялашнинг, жаҳон бозорига чиқишнинг асосий омили ҳисобланган тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш”, шунингдек, етакчи қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчиларни жалб этган ҳолда, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги холдинг компаниясини ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланган эди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 майдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2176-сонли қарори қабул қилиниб, бугунги кунда “Ўзмашсаноатхолдинг” холдинг компанияси ташкил этилди ва фаолият юритмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги машинасозлиги томонидан ўсимликларни зараркунандалардан химоя қилишни комплекс механизациялаш бўйича қатор машина ва механизмлар ишлаб чиқилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Бу борада асосан кимёвий усулда ўсимликларни химоя қилишдаги технологик операциялар учун техника воситалари ва қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш билан бирга биологик химоялаш тизими учун ҳам бир қатор машина ва механизмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жумладан, келгусида асосий экин турларини биологик усулда химоя қилиш учун зарур бўладиган механизациялаштирилган ускуналар ва жиҳозлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги мавжуд заводлар томонидан трихограмма ҳашаротини кўпайтиришда фойдаланилувчи МЛТ-28-14 русумли механизациялаштирилган тизим, олтинкўз фойдали энтомофагини кўпайтирувчи МЛЗ-12 русумли механизациялашган тизим ҳамда энтомофаглар ва биомахсулотларни жойлаштириш жараёнларни механизациялаш учун энтомофагларни жойлаштириш қурилмаси ва РБ-2 русумли биомахсулотларни жойлаштиргич механзмлари ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилган. Олимларнинг тадқиқотларига кўра қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида биологик усулда химоялашнинг комплекс техника воситалари тизимини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда энг кам сарф-харажат қилган ҳолда улар хосилдорлигини 10-15 фоизга ошириш имконини берар экан.

Мавжуд биолабораторияларда биомахсулотлар ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш асосан механизациялашган линияларга боғлиқ. Ўрганилган Тошкент вилояти, Ўсимликларни химоя қилиш маркази тизимидаги биолабораторияларнинг МЛТ-28-14 ва МЛЗ-12 русумли механизациялашган тизимлар билан таъминланганлик даражаси таҳлили шуни кўрсатдики, вилоят биолабораторияларининг умумий таъминланганлик даражаси атиги 66,6 фоизни ташкил этади холос (1-жадвал).

Айрим туманлар биолобаторияси, механизациялашган тизим билан талабдан ортиқ таъминланганлигини эътиборга олмаганда, яъни Окқўрғон (166,6 фозига) ва Юқоричирчиқ (125,0 фозига) туманларидан ташқари бошқа барча туманлардаги биолобаторияларнинг механизациялашган тизимлар билан таъминланганлик даражаси 33,3 фозидан 75,0 фозигача ташкил этади. Айрим туманлар, яъни Бўстонлик, Қибрай ва Зангиота туманларидаги биолобаториялар эса умуман механизациялашган линиялар билан таъминланмаганлигини жадвал маълумотларидан яққол кўриш мумкин. Бундай ҳолат ушбу туманларда биомахсулотлар (трихограмма, олтинкўз ва бракон) зарур ҳажмда ва ўз муддатларида ишлаб чиқаришни таъминлай олмаслигига ва биолобаторияларда меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Бу муаммони ҳал этиш учун биолобаторияларга имтиёзли равишда кредитлар бериш тизини жорий этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

**1-жадвал**

**Тошкент вилояти, Ўсимликларни химоя қилиш маркази тизимидаги биолобаторияларнинг МЛТ-28-14 ва МЛЗ-12 русумли механизациялашган тизимлар билан таъминланиш ҳолати (01.12.2014 йил ҳолатига)**

Туманлар	Биолобаториялар сони	МЛТ-28-14 ва МЛЗ-12 русумли механизациялашган тизим		Талабга нисбатан таъминланиш, %
		Талаб этилади	Мавжуд	
1	2	3	4	5
Вилоят бўйича жами	38	42	28	66,6
Шу жумладан:				
Окқўрғон	3	3	5	166,6
Бекобод	1	2	1	50,0
Бўка	6	6	3	50,0
Қуйичирчиқ	2	3	1	33,3
Юқоричирчиқ	4	4	5	125,0
Пискент	4	4	3	75,0
Ўртачирчиқ	6	6	4	66,6
Чиноз	5	5	2	40,0
Янгийўл	2	4	3	75,0
Бўстонлик	1	1	-	0
Оҳангарон	2	2	1	50,0
Зангиота	1	1	-	0
Қибрай	1	1	-	0

**Манба: Тошкент вилояти, Ўсимликларни химоя қилиш маркази маълумотлари асосида тайёрланди.**

Фойдали энтомофаглар ишлаб чиқаришда биолобаториялар учун энг зарур бўлган жихозлардан бу совутгич, кондиционер ва бинокулярдир. Ушбу жихозлар билан таъминланганлик даражаси вилоят бўйича 01.12.2014 йил ҳолатига совутгичлар билан 68,1 фозни, кондиционерлар билан 60,5 фозни ва [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

бинокуляр билан таъминланганлик даражаси эса 81.5 фоизни ташкил этади. Совутгич билан таъминланганлик даражаси Оққўрғон, Бекобод ва Янгийўл туманларидан ташқари бошқа барча туманлар бўйича 25 фоиздан (Чиноз) 88,8 фоизгачани (Бўка) ташкил этиб, Охангарон, Зангиота ва Қибрай туманлардаги биолобораториялар эса совутгич билан умуман таъминланмаган. Кондиционерлар билан таъминланганлик даражаси эса Оққўрғон ва Юқоричирчиқ туманларидан ташқари бошқа туманларда ачинарли ҳолатда деб айтиш мумкин, яъни 20 фоиздан (Чиноз тумани) 66,6 фоизгача (Бўка тумани) таъминланган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Тошкент вилояти, Ўсимликларни химоя қилиш маркази тизимидаги биолобораториялар учун зарур бўлган асосий турдаги жиҳозлар билан таъминланиш ҳолати

(01.12.2014 йил ҳолатига)

Туманлар	Совутгич			Кондиционер			Бинокуляр		
	Талаб этилган сони	мавжуд	%	Талаб этилган сони	мавжуд	%	Талаб этилган сони	мавжуд	%
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Вилоят бўйича жами	57	36	68,1	38	23	60,5	38	31	81,5
Шу жумладан									
Оққўрғон	4	6	150	3	4	133,3	3	4	133,3
Бекобод	2	5	250	2	3	60	1	1	100,0
Бўка	9	8	88,8	6	4	66,6	6	7	116,6
Қуйичирчиқ	3	2	66,6	2	-	0	2	1	50,0
Юқоричирчиқ	6	4	66,6	4	4	100,0	4	4	100,0
Пискент	5	3	60,0	4	2	50,0	4	4	100,0
Ўртачирчиқ	10	3	30,0	6	4	66,6	6	3	50,0
Чиноз	8	2	25,0	5	1	20,0	5	2	40,0
Янгийўл	2	2	100,0	2	1	50,0	2	1	50,0
Бўстонлик	2	1	50,0	1	0	0	1	1	100,0
Охангарон	2	0	0	2	0	0	2	1	50,0
Зангиота	2	0	0	1	0	0	1	0	0
Қибрай	2	0	0	1	0	0	1	0	0

**Манба:** Тошкент вилояти, Ўсимликларни химоя қилиш маркази маълумотлари асосида тайёрланди.

Бўстонлик, Охангарон, Зангиота ва Қибрай туманлари биолобораториялари эса кондиционерлар билан таъминланмаганлигини жадвал маълумотларидан кўриш мумкин. Бинокулярлар билан таъминланганлик даражаси ҳам етарли даражада деб бўлмайди. Жами 13 та тумандаги мавжуд биолобораториялардан атиги 6 та тумандаги биолобораториялар 100 фоиздан

(Охангарон, Пискент, Юқоричирчиқ ва Бекобод туманлари) 133,3 фоизгача (Оққўғон тумани) таъминланган бўлиб, 5 та, яъни Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ, Чиноз, Янгийўл ва Охангарон туманлари биолобораторияларининг бинокуляр билан таъминланганлик даражаси 40 фоиздан 50 фоизгача ташкил этади.

Зангиота ва Қибрай туманлари биолобораторияларида эса бирорта ҳам бинокуляр мавжуд эмаслиги маълумотлардан яққол кўриниб турибди. Тахлиллардан маълумки, Тошкент вилояти бўйича Охангарон, Қибрай, Бўстонлик ва Зангиота туманларидаги мавжуд биолобораториялар моддий техника базаси энг паст даражада ва бу туманларга алоҳида эътибор бериш лозим эканлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Чунки ўсимликларни биологик химоялаш тизимининг асосий хусусиятларидан бири зараркунандаларга қарши курашда худудларни тўлиқ қамраш лозимлиги, яни бир худуддаги заракунандага қарши курашилса ва кўшни худуддаги зараркунандага қарши курашилмаса, бу турдаги зараркунанда касалланмаган худудга яна ўтиб кетиш хавфи бордир.

Ўсимликларнинг биологик химоя тизими самарали фаолият юритиши учун зарур бўладиган асосий турдаги техника, жиҳоз ва ускуналарнинг аксарияти жисмонан ва маънавий эскирган. Жумладан, жами мавжуд 38 та механизациялашган линияларнинг атиги 3 таси ёки 7,9 фоизи, уч йилгача хизмат қилган бўлиб, 12 таси ёки 31,6 фоизи уч йилдан олти йилгача ва қолган 23 таси ёки 60,5 фоизи эса 6 ва ундан кўп хизмат қилган. Агар механизациялашган линияларни хизмат муддатини уч йил деб олсак, демак уларнинг 92,1 фоизи ўз хизмат муддатларини ўтаб бўлган. Бундай ҳолатни барча ускуна ва жиҳозлар бўйича қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Тошкент вилояти, Ўсимликларни химоя қилиш маркази тизимидаги биолобораториялардаги мавжуд асбоб ва жиҳозларни ёши бўйича гуруҳлаш таҳлили

Қурилма, ускуна тури	Жами сони, дона	Шу жумладан					
		1-3 йилгача		3-6 йилгача		6 йилдан юқори	
		сон	%	сон	%	сон	%
1	2	3	4	5	6	7	8
Мехлиния	38	3	7,9	12	31,6	23	60,5
Бинокуляр	31	4	12,9	9	29,0	18	58,1
Кондиционер	23	-	-	2	8,7	21	91,3
Совутгич	36	2	5,5	8	22,2	26	72,3
Лупа	41	26	63,4	11	26,8	4	9,8
Тарози	26	8	30,7	12	46,6	6	22,7

**Манба:** Тошкент вилояти, Ўсимликларни химоя қилиш маркази маълумотлари асосида тайёрланди.

Агар совутгичлар ҳам ишлаш муддатини агар 4-5 йил оладиган бўлсак, жами 36та совутгичдан 26 тадан ёки 72,6 фоиздан ортиғи ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган ва ҳоказо.

Биолабораторияларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун асосий даромад манбаи бўлган сотилган биомахсулотлардан тушган тушум ва рентабеллик даражаси каби кўрсаткичларни юқори бўлиши лозими бўлади. Биз мана шу муҳим омилни аниқлаш учун Тошкент вилояти, Чиноз туманида моногрфик тадқиқотлар олиб бордик ва туман Ўсимликларни химоя қилиш отрядининг 2009-2013 йилларда молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили қилганимизда маълум бўлдики, жами даромад йилдан-йилга ортиб бораётгани билан рентабеллик даражаси пасайиб бормокда. Агар 2009 йилда жами даромад 28482 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 92027 минг сўмни ёки 3,2 марта кўпни ташкил этган фойда эса ушбу йилларда мос равишда 5400 минг сўм ва 10575 минг сўмни ёки 1,9 марта кўпни ташкил этган (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Ўсимликларни химоя қилиш отрядининг 2009-2013 йилларда молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

минг сўм

Кўрсаткичлар	Йиллар					2013 йил 2009 йилга нисбатан
	2009	2010	2011	2012	2013	
1	2	3	4	5	6	7
Жами даромад	28482	57069	61410	47204	92027	3,2 марта
Жами ҳаражат	23082	45243	49742	39326	81455	3,5 марта
Фойда	5400	11826	11668	7878	10575	1,9 марта
Рентабеллик, %	23,4	26,1	23,5	20,0	12,9	-10,5 банд
Пул тушуми	25520	44799	49189	34034	62394	2,4 марта
Жами даромадга нисбатан пул тушуми, %	89,6	78,5	80,1	72,1	67,8	-21,8 банд

**Манба: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Ўсимликларни химоя қилиш отряди маълумотлари асосида тайёрланди.**

Лекин рентабеллик даражаси йилдан-йилга пасайиб борган, жумладан, 2009 йилда бу кўрсаткич 23,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб, 12,9 фоизга ёки 10,5 бандга камайганлигини кўршимиз мумкин. Демак, олинаётган фойданинг камайиши эса биолабораторияларнинг моддий техника базасини янгилашга тўсқинлик қилмоқда. Бундан ташқари, кўрсатиб кўйилган хизматларга фермер хўжаликлари томонидан маблағ тўланиши ҳолати ҳам талаб даражасида эмас. Агар 2009 йилда кўрсатилган хизматлар учун тушум 889,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич пасайган ҳолда 67,8 фоизни ёки 2009 йилга нисбатан 21,8 бандга камайган. Биолабораторияларнинг молиявий барқарорлиги яхшиланмас экан, уларнинг

моддий техника базасини мустаҳкамлаш масаласини етарлича хал этиш қийин кечади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда куйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- биолобораторияларни самарали фаолият юритишида муҳим омил бўлган моддий техника базаси даражаси талаб даражасида эмас;

- мавжуд асосий восита ва жихозлар жисмоний ва маънавий эскирган ва аксарияти ўз хизмат муддатларини ўтаб бўлган;

- биолобораторияларни зарур техника воситалари, асбоб-ускуналар билан жихозлаш учун молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши лозим, леккн таҳлиллардан маълум бўлдики, уларнинг рентабеллик даражаси паст ҳолатда;

- биолобораториялар молиявий ҳолати паст бўлишининг асосий сабабларидан бири бу сотилган биомахсулотлар учун фермер хўжаликлари томонидан маблағларнинг ўз вақтида келиб тушмаслиги ва ҳоказо.

Умуман, биолобораторияларни моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун куйидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- биолобораторияларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун имтиёзли ва узоқ йилларга мўлжалланган мақсадли кредитлар ажратиш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- биолобораториялар учун зарур техника воситалари, ускуна ва жихозларни лизинга бериш механизмини ишлаб чиқиш ва бу тизимни кенг йўлга қўйиш;

- биолобораторияларга моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва янгитехнологияларни жорий этиш учун турли солиқ, суғурта ва бошқа имтиёзларни жорий этиш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- биолобораторияларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ҳомий ташкилотлар, турли халқаро ташкилотлар маблағи ва жамғармалар грантларини кенг жалб этиш ва бунда биолоборатория раҳбарларининг ташаббускорлигини ошириш;

- биолобораториялар томонидан фермер хўжаликларига биомахсулотларни сотиш ва ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартибини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ва ҳоказо.

Юқорида келтириб ўтилган чора-тадбирларни амалиётга жорий этиш, республикамиз қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган биолобораторияларнинг моддий техника базасини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришда муҳим замин бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.
2. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
3. Тошкент вилояти Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази маълумотлари.
4. Тошкент вилояти Чиноз тумани Ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядининг маълумотлари.

5. Тошкент вилояти Ўсимликларни химоя қилиш маркази тизимидаги биолобораториялар маълумотлари.